



O'ZBEKİSTON adabiyoti va san'ati

ТАРИХИЙ МАВЗУ ВА АДАБИЙ ҚАҲРАМОН

Ойбекнинг 60-йилларнинг бошларида, ҳасталик вақтида ёзган рубонийларининг бирида шундай сатрлар бор: “Тарих сўкмоклари изимдан чўтирилар, Ҳар бир хок шивирлар: “Бир лахза ўтирилар...”. Тўшакбанд Ойбекнинг – ҳаёлан бўлса-да – ёнида тиз чўкиб ўтириши ва тиловат қилиши мумкин бўлган хоклар – улуг ўзбек шоир ва мутафаккирларининг сағаналари оз бўлмаган. Аммо шу сағаналарда муборак хоклари ётган сиймолар орасида уч шоир Ойбек назаридаги ажраблиб турарди. Булар – Алишер Навоий, Захирiddин Мухаммад Бобур ва Бобораҳим Машраб сиймолари. Ойбек тавоф этган бу буюк сиймолар орасида Машраб номининг ҳам бўлиши айрим китобхонларни ажаблантириши мумкин.

Холбуки, XX асрнинг бошларида, Ойбекнинг болалик ва ёшлик чоғларидаги Машрабнинг XX асрдаги издошлира кўчама-кўча, шаҳарма-шаҳар юриб, исёнкор шоирнинг газалларини кўйлаб, қаландар шоирнинг “ғоз”ларини “тарғиб ва ташвиг” килар, кекса аёллар ва оналарнинг тилидан Машрабнинг оловли байтлари тушмас, кекса машрабхонлар эса чойхоналар ва гузарларда ўтириб, Машраб газалларининг магзини чакиб, ёқаларини ушлаб, хайратга тушардилар. Ҳамма нарсага кизиккан Мусо Машрабнинг оддий ҳалкнинг руҳий ва мъянавий ҳаётида тутган ўрнини кўриб, бошқа бирор газалнависта ўхшамаган бу гаройиб шоирга нисбатан ўзида катта меҳр туя бошлаган. У шу меҳнинг бадиин ифодаси сифатида 1937 йили, “Навоий” лирик достонидан кейин, “Машраб” деб номланган гўзал достонини ўзбек китобхонларига ҳадя килган. 1939 йилда эса “Адабиётдан текширишлар” сарлавҳали иммий тадқиқотида Машраб ҳакида бундай сўзларни ёзган:

“XVII ва XVIII аср шоирлари орасида ўз оригинал талантни билан ва ажойиб

2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

ОТА “ТАХТ” ИДАГИ ЎФИЛ

Тошбой устоз хонтахтада муктушиб, эрганги дарсга тайёрлангандага олдида бир уюм китоб бўларди. Беш-олти ёшлардаги Раҳматулла отаси хонадан чикка, хонтахтага яқинлашар, китобларни вараклар, ёзувларини кўздан кечираади. Одатда, бу китобларда кизик расмлар бўлmas, шакллар, гравиқ чизиклар эса болани ҳар кандай суратдан кўра кўпроқ ўзига мафтун этарди. Эҳтимол, отажонининг соатлаб шу варакларга термулиб ўтиргани, сатрлар орасидан нималарни дар излагани, излаганини топганида чехраси ёришиб кетгани болани кизикирти колганди ва отани шунчалик боғлаб қўйган сеҳрни англашга интилгани унинг пешонасига ёзилган аъмол эканми, шу таддир йўлидан кетди. Ўзига ва ўзгалирга талабчан, машҳур математика ўқитувчиси Тошбой Каримов етти фарзанди орасидан шунисининг педагогикка кобилияти борлигини сезди ва мактабни битириш палладиша шундай сухбат бўлиб ўтди:

Очерк

этди: – Математика ўқитувчиси бўлсамми...

Ота чукур сўлиш олди. Саломклаб гап бошлади:

– Математика ўқитувчиси... Бу соҳани танлассанг, оч ҳам колмайсан, тўқ ҳам бўлмайсан. Бирорва карз ҳам беролмайсан, карздор ҳам бўлмайсан.

Шундан кейин ҳаёт тажрибларидан келиб чиқиб, бироз насиҳат килди. Рости, отанинг дили ёришиб кетган, изидан келаётган навқирон кучни кўриб, очган сўкмогини бегона ўтлар босмаслигига, у казган арик тўлиб окишига ишонган эди. Ота учун бундан ортиқ баҳт борми?!

Хотираларда таъкидланишича, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тошбой Каримов ҳакиқий ўқитувчи тимсоли бўлган.



Китобингизни ўқидим

БИЗ БИЛМАГАН ШОИР

Таниб, билиб юрган кишининг янабир фазилатига гувоҳ бўлсанг, дилинг яйаркан. Мен Мавлон Умурзоқовнинг “Эътиқод синовлари” шеърлар тўплами ва “Адоқсиз ўйлар” публицистик мақолалар китобини ўқиб шуни хис килдим. Иқтисодчи олим, профессор, кўп йиллар катта лавозимларда ишлаган, ҳаёт зарбаларини ҳам татиб кўрган Мавлон аканинг қалами ҳам ўзига хос экан. Тўпламдаги шеърлар мавзу ва шакл жиҳатдан ранг-баранг бўлса-да, муаллифнинг тийрак нигохи, ичким туйғулари сезилиб туради. “Истибодд зулмидан асрарнг Туронни”, “Нурли ўлкам – Ўзбекистоним”, “Темурбекдек ўғлинг бордор!” каби шеърларида тарихий сиймоларимизни улуғлаган бир ўзбек ўғлони сифатида унинг чинакам ватансеварлигини түясиз. Айниска, “Дуқчи эшоннинг катл олди сўзи” шеъри ўз-ўзини тафтиши руҳидаги мазмуни ва шиддатли оҳанги билан ажрабли туради:

Адолат инсонга ягона гултож,
Қалб ўлган, сезмаса унаэ эҳтиёж.
Жон билан тўланган Ҳақ учун хирож,
Халложни дорларга тортган одаммиз!

Улуғ аждодларимизни эъзозлаб, миллат учун жидо қилган мардлар иши иззиз

Наим КАРИМОВ,
академик

Шеърий лаҳза

ОЙБЕК

Намаматак

Нафис чайқалади бир туп наъматак Юқасқада, шамолнинг беланчагида. Куёшга кўтариб бир сават оқ гул, Викор-ла ўшшайган қоя лабида Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин раксига ҳеч кониқмас кўнгил, Вахший тошларга ҳам у берар фусун. Сўнмайди юзида ёрқин табассум, Янокларни тутиб олтин бўса-чун Куёшга тутади бир сават оқ гул!

Пойида йиглайди кумуш кор юм-юм... Нафис чайқалади бир туп наъматак... Шамол инжуларни сепар чашмадак, Бошида бир сават оқ юлдуз — чечак, Нозик саломлари накадар мъсум!

Тоғлар ҳавосининг ферузасидан Майин товланади бутун ниҳоли. Вахший кояларни ажаб ижоди: Юқасқада ракс этар бир туп наъматак, Куёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

1 июль – Ойбекни хотирлаш куни

Ана, шоир келар... Бир тўда бола –
Унинг орқасидан ажералмас соя.
Кўзларда акс этар муҳаббат, мароқ,
Уни билиши қийин: гўё жуфти, тоқ.
Асрлар кўрмаган ажисб девона...

...Тўхтаб, у: “Гулхан сол!” –
дедай бирорвога.
Ўзи кўп энчилдир ўтин қаловга.
Оловни ҳам дудни севади шоир,
Кафтида юғларни ўйнатар мөҳир,
Куёш жиславасини кўрар оловда.


Ойбек “Адабиётдан текширишлар” номли мақоласида Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ҳакида мухтасар маълумот берар экан, “Девони Машраб” асарида унинг “фантастик ҳаёти ва мажоролари” чукур тасвир этилганини кайд килган. Ана шу “фантастик ҳаёт”нинг базъи бирлашади “Машраб” достонидан ҳам жилва бериб туради.

Ойбек ҳаёти: “Саҳроларни кезар бир шамол каби, Кеча ҳам кундуздай тутмас пардан. Оёклари учун тиканлар май-са...”

Ёки: “Мана, у чеккада тўлиқ завқ билан Каттакон чилиминг тош тўпписидан Бир кариҷ ўт учар, тутунлар – булут”...

Яна: “Ис боғсан кулбада топар ранг, зиё, Хон кизи бўлолмас ишкига Лайло”...

Яна бир мисол: “Ундан содир бўлган ҳар килик, ҳар иш Топади энг чукур, энг нодир далил”...



Куни кечада пойтахтнинг Ишчилар шаҳарчаси даҳасида жойлашган Ойбек ўй-музейида буюк ўзбек адиби ва жамоат арбоби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг хотирасига баги-шланган тадбир бўлиб ўтди. Адиб бу даргоҳда 1940 йилдан 1968 йилгача, яъни ҳаётининг сўнгти дақиқалари-га қадар яшаб, ижод қилган. Музей билан танишган киши адиб яшаган мухит, унинг асарлари яратилиш тарихи ҳакида ёрқин таассурот олади.

Хотирлаш тадбирига ташриф бў-юрган академик Наим Каримов, Ўзбекистон ҳаёт ёзувчиси Мухаммад Али, профессор Адҳамбек Алимбеков ва бошқалар Ойбек яшаган давр, замондошлари ва унинг асарлари ҳакиқати хотираларини ўртоқлаштирулар.

Тадбир доирасида Ойбекнинг қайта нашр этилган “Махмуд Торобий” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Китоб Бухоро вилояти Жондор туманин хокимлиги ташаббуси билан нашр қилинган.

Даврон РАЖАБ

**ТОНГ ЁРИШАР**

Тонг ёришар умидлар ёзб,
Эзгу калбдан таратиб шуъла.
Йўқ, куёшмас уфки ёритган,
Инсон уни тўлдирган нур-ла.

Фасллармас, сочган зеб-зийнат,
Шамоллармас, толе улашган.
Йўқ, тайбат шунчаки сабаб,
Одам учун борлик бирлашган.

Бари Биру борнинг меваси –
Тонг бакодан олинган улги,
Яркираши бехиштдан юккан,
Шунинг учун лабларда кулги.

**СУБХИДАМ
СУХБАТ**

Кўк токига булатни қавиб
Тўлип ойни олиб чиқди тонг,
Шуълалари паркув, шабнамли
Янги кундан урар эди бонг.

Ҳарирланди тоқати билан
Ҳар лахзада унум бошланди,
Жилласидан шодликка тўлсан,
Фигонидан кўзим ёшланди.

Кушларини олиб чиқди сўнг,
Сабухий дам янграги сухбат.
Бир маъноси шодликдан дарак,
Бири эса, тўхтовсиз ҳасрат...

**ЯШИЛ РАНДА
ПОВЛАНДИ БОҒЛАР****ЯНГИ БАРГЛАР**

Яна янги баргларин ёзб
Яшил рангда товланди боғлар.
Мавсум тинсиз гардларни ювий
Ўқсик калдба колмади доғлар.

Ифорига бўлиб маҳлиё,
Охорланиб олди хаёл ҳам.
Сўнг оҳиста бекиниб олди
Бахор изда колдириб шабнам!

СЕНГА ИНТИЛДИМ

Борлигимда бор эди сўзинг,
Кўзимда айландинг жолага,
Кўшигимда бор эдинг ўзинг...

Мен сенга хўб интилавердим!
Айтсан, айтаверсан, тинмасам,
Юрагимни, кўнглимни бердим...

Чунки мавжудсан тузлигимда,
Қалбимга ким уни жо этди?
Нега жойлашдинг ўзлигимда?

Мен сен томон интилавердим...
Кўзимдаги ёшларим билан
Тўхтамадим, умримни тикдим.

Ривоят бўлса-да, аризилрик,
Мен сен сари интилавердим,
Мен сенга интилдим, Эзгулик!

ҚЎЛЛАРИНГДА...

Қўлларингда ушлаб турибсан
Сокин кўклиам шуълаларини.
Кўчган гулбарг садоси сенга,
Кучган қалбинг жилваларини.

Гул новдасин ушлаб тўймайсан,
Хаёлларинг отмоқда илдиз.
Орзуларинг содир бўлмоқда
Юрагингда колдириб гул из.

Кўклиам келди сенга жўр бўлиб,
Нигохингдан унмоқда наво.

Баҳоринг-ла менга бир кара,
Қалбим ичра қолиб кет, сабо...

ТАХРИР

Хаёлни таҳрир килиб
бўлмас асло,
бирдан содир бўлади-ю,
аксинча, сени ўзгартирар.

Таҳрир килиб бўлмас
манзарни ҳам,
кўзларингда акс этиб,
бошлаб кетар аллакайларга.

Агар босиб ўтган бўлсанг
килиб бўлмас ўйлни ҳам таҳрир,
Унда масофалар
қисқариб изларинг
ўзгарган бўларди.

Ўзгартириб бўлмас умрни ҳам
Уни факат кайта-кайта
Зимнингда томоша киласан.

Балки ўтаётган дамни
таҳрир кимлек мумкиндири,
демак, ўйла отлан
ва улугр лаҳзани ушлаб олишга!

МУАТТАР ШУЛЬА

Шуъла ёғди шабада каби
Ва оҳиста куртак тугтилиб
Жило ичра бўлди гул лаби.

Гулбаргига капалак кўнди,
Ёғду, шудринг билан чанглади
Ва айлануб довчага дўнди.

Жило тортиб айланаверди,
Ботинида қуёш ялласи
Куйлаб-куйлаб гул мева берди.

Тугамади ифори узок,
сўнг айланди сокин данакка –
юрагига жойлади тупрок.

Баҳоринг-ла менга бир кара,
Қалбим ичра қолиб кет, сабо...

Шунда бирпас мутаттар шуъла
Шаффоф згуз ҳаёни билан
ёғду тортди оламга тўла.

Кўклиам келса ҳали кўрасиз,
Айтиб берар сизга тушини –
Шу ёѓудек мангу бўласиз!

ТОНГ ЛАҲЗАСИ

Тонг лаҳзаси толе сўрайсан,
Тўлдирса-да, нафас жисминги.
Сўрайвериб, сира тинмайсан,
Унутсан ҳатто исминги.

Анголламайсан шуур ёришиб,
Тафаккурнинг пайдо бўлганин,
Тириклигинг ҳақида жўшиб
Юрагингни уриб турганин...

Куш эмассан, зикр эт бирпас,
Шунчаки бир башоратмассан!
Тоғ эмассан, уммон ҳам эмас,
Англа, ахир, хашаротмассан...

Бир мўъжиза – дунёга келдинг,
Тоғ ҳам сенга, денгиз ҳам сенга.
Сен севдинг ва суюкли бўлдинг...
Парвозли калб – бор дунё сенга...

Бу лаҳзанинг ўзи баҳтмасми?
Баҳт эмасми тонгга етганинг?
Қара, асил саодатмасми,
Шу дақика нафас олганинг!

* * *

Тошни ўйиб чиқди мойчечак,
Ҳаё билан енгандек дардин
боши тошдан бўлган келинчак...

Айладими тўхтосиз кўзёш,
Эзилдими ҳасратдан бағри
Ё билмадим, юмшадими тош...

Мухаббатнинг тошкин киссаси –
Шундай кечди гул ва тош ишки,
Кўркам бўлди севги гуссаси.

Қатралар**МЕЗОҲ**

Одмигина кийинган бу кишига аввалига ҳеч ким эътибор бермади, давранинг бир четига бориб ўтири. Сухбат авжига чиқди...

Сўнг... Уни кийимига караб кутиб олганлар, ақлига караб кузатиб кўйдилар.

ҲАМО

Оилада унинг айтгани айтган, дегани деган бўлди. Ҳар нарсани ўзи ҳал килиб, ўзи хулоса чиқарди. Фарзандининг хаёт ўйланим белгилаб берди ва хато килди. Шундай ҳатоки, тузатиб бўлмади. Тузатиш учун умриям етмайди. Энг ёмони, бирники минга татиди, ҳатонинг жаборини бутун оила “бахам” кўрди.

Унинг айтгани айтган эди...

ҚАСД

У қаср курди. Тепасига караган кишининг бошидан дўпписи тушади. Ичига кирган киши адашиб кетади. Ҳашамдор, жимжимадор, ўзига хос ва бетакрор!

Ҳамма шароит мухайё, ҳамма нарса бор!

Фақат... Китобдан бошқа...

ВАҲАҲ

Тўлкинлар бир жуфт баликни кирғоқка иргитиб юборди. Типиричай-тиричилай жон берди шўрликлар.

Балиқнинг Ватани уммон эди.

ВАҲМ

У бу бинога кириб келганида ҳамма ўзи билан андармон эди. Кимдир коғоз кўтариб ўйлак бўйлаб шошиб кетган, кимдир ённаги кишига ниманидир уқтирган. Кай бир эшик очиқ, кай бири берк. У бирпас атрофа аланглади. Сўнг ҳассасига таянганича аввал биринчи қаватни, сўнг иккичи қаватни кезиб чиқди. Тўрдаги хонага

бинонг навқирон, хануз ҳашматли, хануз гоздай керилиб туриби.

У эса...

Қўлидаги ҳассасига қаради. Инсон канчалар омонат. Инсон канчалар вефқат қанчалар бешафқат.

Юраги калкаб кетди унинг...

ЕР ҲИДИ

Кишилогига кайтганидан бўён икки ҳаёли шу томонда. Нимадир уни шу томон етаклади. Нимадир уни ўзига тортди. Келишга келди-ю... Ҳеч ким уни танимади, у ҳам ҳеч кимни танимади... Ҳаша “ниман”ни тополмади... Кўргани ва танигани факат ўша савлатли ва салобатли бино бўлди.

Бино хануз навқирон, хануз ҳашматли, хануз гоздай керилиб туриби.

У эса...

Қўлидаги ҳассасига қаради. Инсон канчалар омонат. Инсон канчалар вефқат қанчалар бешафқат.

Юраги калкаб кетди унинг...

КЕЛИНДОРЛИК

Рўзгор деб атальмиш араванинг барча юкига бир келин елкасини тутди. Бозор-учаргаям ултурди, сигир бузогу козон-ўчоққаям. Қайнонасининг кўлини совук сувга урдирмади, кайнотаси хурматини жойига кўйди. Вактида кир ювиди, вактида овакт килди, хуллас, ҳамма ишни бир ўзи эллади.

Фақат... Ернинг ҳидини соғинади у.

ҲОЗОРОҲ

У козонни кавлагани кавлаган бўлди, гўшт кидириб. Аслида козонда гўштнинг ўзи йўқ.

Чўмичгаям бор нарса чикади-да.

ЛОЙЗА

Унинг суви лойза келди. Атрофидан кимдир сувлар тинишидан умидвор килиб далда берса, бошкаси томашабин бўлиб турди. Яна бири чўп сувки, сувни бадтар лойқалатди.

Вакт келиб сувлар тиниди, ҳаммаси жойига тушди. Фақат ённагилар кўнглини китобдай ўқидиган бўлди.

МАРРА

У факат осмонга қараб юри, кўкрагани кериб, тумшугини кўтариб. Оёги остига қарамадим. Аммо унга оёги остидан чиқиб чил беришиди. Қайтада туромайдиган бўлиб йикилди.

Маррани узок олди-ю, якинни кўздан кочириди у.



Лола ЎРОКОВА

ТАРИХИЙ МАВЗУ ВА АДАБИЙ ҚАҲРАМОН

Бошланиши 1- саҳифада

Балки бу сатрларда “фантастик хаёт”нинг китобхонни ўта хаяжонга солувчи, унинг калбини ларзага келтирувчи фавкулодда гаройиб воеалар ўз ифодасини топмагандир. Лекин шу сатрларда товланиб турган бўйклар реалистик асарлардан кўра бўргтириш приёми “мана мен” деб хайкириб турган романтически асарларни кўпроқ эслатади.

Машраб яшаган XVII асрда давлатлар ва миллатлар ўртасида хозирги тушунчамиздаги чегара бўлмаган. Ўзбек, козок ва қирғиз халқлари инок яшашган, улар бир-бирларни яхши тушунишган. Машраб факат ўзбек халқи истиқомат килган худудларда эмас, балки козок ва қирғиз халқлари ўртасида хам машҳур бўлган. Ойбек шу масалани — Машраб ижодининг кардош халқларни ўзаро бирлаштирувчи феномен эканлигини кўрсатишга алоҳида эътибор берган:

Туя миниб келган саҳрои қозоқ,
Косиб ҳам, бўзчи ҳам,
Леҳонҳон ҳам шу чоэ
Уни тинглайдилар сукут ишида,
Бошлилар рақс этади
Куй таъсирида,
Сўзларнинг сеҳридан
Ким бўлар узоқ!

Шоир Ойбек 30-йилларнинг ўртасида янги поэтик жанр ва шаклларни ахтара бошлаган. У дастлаб ўзбек шеъриятидаги бармок вазнининг 7, 9, 11 хижоли шакллари поэтик имкониятиларни кенгайтиришга интилди. У коғиз шеърий тасвирнинг мухим воситаси эканлиги билан кизикиб, шеърий бандлардаги коғиза тизимиши ислоҳ килди. Айниқса, 5, 6, 7 сатрли бандларнинг абаб тарзидағи коғияларига янги нафас багишилади.

АКС САДО

Бирор-бир муаммо долзарб даражада кўтарила-ю, аммо адолатли, ишонали, қоноатланарни ҳал этилмаса, яна қайта-қайта кўтарила-веради. Бу - қонуният. Зуҳриддин Исимиддиновнинг “Не ерда бўлсанг, эй гул...” сарлавҳали (“Ўз АС”, 2023 йил, 9 июня) мақолоси ана шундай табий эҳтиёж фарзанди сифатида пайдо бўлган.

Атоқли матншунос, устоз олим Ваҳоб Раҳмоновнинг “Гарипингга тараҳум айлагилким...” (“Ўз АС”, 2011 йил, 7-сон) сарлавҳали мақолоси “бир мучал аввал” ёзилганига қарамай, бугун эътиrozга сабаб бўлиб турибди. Мунозара объекти — Захирiddин Муҳаммад Бобурнинг “Бахор айёмидур...” деб бошланадиган машҳур газали туталманга байтидир. Байт аввали нашрларда кўйидагича талкинда ёзилган:

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур
чун жони Бобурнинг,

Гарипингга тараҳум айлагилким,
андо жонидур.

(Бобир. Асарлар. Уч жилдлик. “Тошкент”
Бадиий адабиёт нашрёти, 1965. I. Девон. Нашр-
га тайёрловчилар: Сабоҳат Азимқонова, Азиз
Қаюмов. 115-бет. Девони Захирiddин Муҳам-
мад Бобир. Кобул, 1983. Нашрга тайёрловчи
Шафиқа Ёркин. 26-бет.) Ҳар икки нашр муал-
лифлар кўлъёма манбалар асосида иш тутган-
лар. Шафиқа Ёркин нашри эски ўзбек ёзувида
амалга оширилган. Бу ишончли нашрларга
бемалол суюнши мумкин.

Бахс байт охиридаги “андо жонидур”
ибораси устида. Маколадан маълум бўлишича,
В.Рахмонов ушбу шаклни хато деб хисоблаган
ва унинг ёзилиши хамда ўқилиши “андижонидур”
эканлигини ишботлашга ҳаракат килган.
Халқаро Бобур жамғармасининг ҳаракати
билан ушбу гипотеза расмийлашган, хатто,
В.Рахмоновнинг ёзинича: “2008 йилда Бобур
таваллудининг 525 йиллиги тантанаси куни –
14 февралда Андижон шаҳри чорраҳалари анда
шу байт ёзилиқ лавҳалар билан безалган эди.
Шунинг учун Бобур жамоат фонди раиси
Зокиржон Машрабов кўп ўтмай Богишамолда
Бобур боғидаги ҳайкал белгогига йирик
ҳарфларда шу байтни ёзиц”ган.

3.Исимиддинов бу ишга ажабланганича
бор. Илмга, маърифат ва маданиятга хилоф иш
килинган. Бундайжойларга “Бобур девониданиз-
лай-излай топилган шоҳбайт”, “энг фалсафий,
ҳикматга кон парча”, миллий ва умуминсоний
фоя мухрланса, ярашарди. Масалан, БМТ
пештокига Саъдий Шерозийнинг “Одамон ўзви
яқ-дигаранд”, яъни “Одамлар бир-бирларининг
яқ-дигаранд” яъни “Одамлар бир-бирларининг

МАТН БУЗИЛСА...

Бирор-бир муаммо долзарб даражада кўтарила-ю, аммо адолатли, ишонали, қоноатланарни ҳал этилмаса, яна қайта-қайта кўтарила-веради. Бу - қонуният. Зуҳриддин Исимиддиновнинг “Не ерда бўлсанг, эй гул...” сарлавҳали (“Ўз АС”, 2023 йил, 9 июня) мақолоси ана шундай табий эҳтиёж фарзанди сифатида пайдо бўлган.

Узларириллар – бутун инсоният бир вужуд

мазмунидаги гояси ёзиб кўйилган. Навоий

хайкаланинг пештокига:

Оlam аҳли, билингизким,

иши эмас дуиманлиг,

Ёр ўлинг бир-бирингизгаким,

эрур ёрлиг иши –

деган хикматомуз шоҳбайт мухрланган.

Бобурда хам шундай жаҳоншумул гоялар
бор-ку! Масалан:

Бори элга яхшилик қилгилки,

мундин яхши ўйқ

Ким, дегайлар: “Даҳр аро қолди

фалондин яхшилиг”.

Бизда миллий ва маҳаллий ифтихор туйгуси кучли. Аслида, булар – эзгу туйгулар. Аммо улар мөъёри бузиса, сунистеъмол килинса, салбий тус олади, маҳаллий ифтихор – маҳаллийчиликка айланади. Бобур матнини маҳаллий мағнфат жихатидан ўзгартириш – андижонийлаштиришдек салбий оқибатни келитириб чиқарган. Мушкул жуда осон күшойиш топган: эски ўзбек ёзувида “андо жони” иборасидаги “андо” сўзининг сўнгги ҳарфи “алиф”, яъни “а” – “ё”, яъни “и” билан алмаштирилган, “андо жони” – “андижоний”га айланган-колган. Аслида, назаримизда, Бобурни хеч ким андижонлик эмас, деб даъво килмаган эди.

Байтнинг келтирилган шаклида 3.Исимиддинов В.Рахмоновга эътироз билдирганидай: “ғикр ҳавода муаллақ” колмаган, “ўринисиз, кўпол тақор” хам ўйқ. Тўғри, иккала мисрада “андо жони” сўзлари тақорланган. Лекин айнан тақорланмаган. Биринчи мисрада икки сўз ўргасида “чун” сўзи бор. Байтнинг мазмунини аниқлаштириша шу сўзининг аҳамияти катта. Ҳолбуки, икки томон хам бу сўзга эътибор бермаган. Хосият Назарованинг “Захирiddин Муҳаммад Бобур асарлари учун кискача луғат”ида (“Фан”, Т., 1972, 166-бет): “чун – каби, ўхшаши, чунки, модомики, чунончи, қачонки, вакътеки” маъноларида кўлланиши кўрсатилган. Бу маънолардан “модомики” бахс бораётган матнга айнан тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, шоир – ошик

айтмоқи бўлган: “Эй гул, сен қаерда бўлсанг, менинг жоним ҳам ўша ерда. Модомики, менинг жоним ўша ерда экан, айришқодаги мен ёрингга раҳм қўлгини, унинг жони сен билан бирга, у эса – жонисиз бир жасад. Жонимга фақат сенгина раҳм қўлшишин мумкин, зеро менинг жоним сенгина тасарруфингда, иштиёрингда. Фақат сенгина ҳётимга нақсot бера оласан”.

Байт мазмунни хакидаги З.Исимиддинов талқини ҳам тўғри эмас. Бундан ташқари, Бобур ижодиётини тасаввуфийлаштириши ҳам ўринисиз. У Бобур “газаллари автобиографик эмас, тасаввуфий ўйнишида” дейди. Аслида, аксинча, айнан Бобурнинг шеърияти тасаввуфий эмас, аксарият шеърларида шоирнинг ҳасби ҳоли ўз аксини топган. Олим байти тўғри ўқисак, “асл сўфиёна маъноси рўёбга чиқади” дейдию, ўша маънони айтбай кўя колмайди. Чунки байтда хеч кандай сўфиёна маъно ўйқ. Унутмайлик, Бобур тасаввуф мисаласида бошка мумтозларимиздан мустасно. Унинг меросида айрим тасаввуфий талкинлар каттиқ кораланган далиллар бор. Шунингдек, унинг: “Яна, энг мухими, бу байтда шоир “андадур жони: анда жонидур” қабилида бадиий санъат (тарди акси тарсе) кўллаган” деган фикри хам илмий асосланмаган. Тарди акс санъати учун сўзлар тескари тақорланган бўлиши керак эди, матнда сўзлар тўғри тақорланган. Тарсе санъати учун байтнинг иккинчи мисрасидаги барча сўзлар биринчи мисрадаги барча сўзларга тўлиқ кофияланган бўлиши лозим эди. Бу матнда ундай ходиса ҳам ўйқ.

Биз Бобурнинг б томлик “Кулиёт”ини олдик. Бу янги нашрнинг 1-жилди “Девон” бўлиб, асарлар эски ўзбек ёзуви ва кирилда чоп этилган. 86 – 87-бетлардан ўрин олган ғазалнинг макта байти В.Рахмонов талкинидагиек:

Не ерда бўлсанг, эй гул,
андадур чун жони Бобурнинг,
Гарипингга тараҳум айлагилким,
Андижонидур.

(Бобур. Куллиёт. 1-жилд. Девон. Тошкент. “Zilol buloq”нашриёти, 2021. Нашрга тайёрловчи Мирзо Кенжабек, маъсъул мухаррир Ваҳоб Раҳмонов)

Эвоҳим, яна ғалати машҳур оммалашиб кетибди-да! Энди Бобур девони яна қачон нашр этиладио, бу хато қандай тузатилади?

Нурсатулло ЖУМАХЎЖА,
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

КУТУБХОНА – МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Янги Ўзбекистон кутубхоналариниң қандай тасаввур килами? Замонавий ахборот-кутубхона марказлари фаолияти қандай ташкил килиниши керак? XXI аср кутубхона начиси қандай билим, кўнкимларга эга бўлиши лозим?

Мъалумки, техник тараккиёт хар жабхада истикболли имкониятларни юзага келтиримодда. Жумладан, кутубхоначиларда хам. Эндиликда кутубхоналар нафакат маълумот базаси, том маънода жамиятнинг ажралмас бўлгаги, ҳаммамизинг кадрдан масканимизга айланиси жоиз. Бунинг учун сўнгги замонавий технологиялар билан жиҳозланган кутубхоналаримиз нафакат таълимни кўлла-куватлаши, балки маҳаллий бизнесега ёрдам бериши ва бошка соҳа вакилларни хам ўзига жалб этиши керак. Замонавий кутубхоналар фолиятини ташкил этиш жараённида кўйидагиларга риоя килинса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин: биринчидан, кутубхоналарда оиласий сўхбатлашиш ёки гурух бўлиб мунозаралар ўтказиш имконияти яратилса, яна бир кисми дарслар, тренинглар, жамоат тадбирлари, учрашувлар, китобхонлар клублари, ўсмиллар ва болалар учун дастурлардан фойдаланиш марказига айлантирилса, зиё масканлари одатдагига нисбатан гавжумлашган бўларди; иккинчидан, гавжумликни таъминлаш баробарида, кутубхонанинг яна бир кисмида сокинликни саклаш ва китобхонларнинг турли ахборот ресурсларидан унумли

раллел равишда шароит яратиш ва эътибор каратиш замон талабидир.

XXI аср кутубхоначисининг маънавий киёфаси масаласига келсак, хо-
рий давлатлар кутубхоналаридан

соғлика эга бўлиши керак.

Иккинчидан, кўчаларда, дала тадбирларида токчалар, жавон-
лар, столлар, китоблар каби кўп-
лаб кутубхона инвентарларидан

PhotoShop, видеомонтаждан моҳирона фойдаланиши, коллажлар, гифлар, мультифильмлар ва бошқаларни яратиши керак. Бусиз ижтимоий тармоқлар орқали ҳалқ орасига кириб бориши мумкин эмас.

Бешинчидан, замонавий кутубхона ижодкор бўлиши керак. Ваҳоланки, пресс-релизлар, даврий нашрларга маколалар, кутубхона блог постларини ёзиш кутубхона мутахассисларидан учун бирмунчча кийин ишлардан саналади. Ижодкорлик лаъётка бўлмаса, ўқувчиларни мутолаага жалб қилиш хам кийин кечади. Яратувчаниш иштиёки эса барча соҳаларда кадрланади.

Сир эмас, бутун ҳаётимизни интернэтсиз тасаввур килиш кийин. Бирок биз ундан доим тўғри маъзумий ололами? Аёни, Google каби кидириб тизимлари саволларимиз ёки калит сўзларимизга қараб маълумот беради. Шу боис олган маълумотларимиз хар доим хам тўғри бўлмаслиги мумкин.

Маълумот сўраб кутубхона-нага мурожат килсанг чиқсан-чи? Кутубхоналар ўзида тарихи, энг мухими, ҳақиқатни саклайди. Ташриф буюрувчилар эса, хар қандай маълумотни малакали ва яхши ўқитилган кутубхона-чилар ёрдамида осонгина тошиллари мумкин. Интернет минглаб жавобга рўбарў килса, кутубхоначи уларнинг тўғриси-ни кўрсатиб бериши лозим.

Бундан ташқари, кутубхоналар ташриф буюрувчиларга ўқув материаллари, тренинглар, курслар, илмий нашрлар ва бошка сон-саноқсиз ресурсларни тақдим этади. Оммавий кутубхоналар ўз хизматларини наф

"Самарқандда қовун таровати"

Ўзбек маданийати негизида юксалиб, равнақ топиб келаётган кино санъати алоҳида ўрин ва нуфузга эга. Халқимизнинг бой маънавияти акс эттирилган лавҳалар айнан кинода гавдаланиши фикримизнинг далилидир. „Ёр-ёр”, „Махаллада дув-дувган”, „Суюнчи”, „Водиллик келин” каби фильмлар содда ва танти халқимизнинг кундаклик хаёти, турмуш тарзи, маданийати ва санъатини акс эттириган ўз даврининг ноёб асарлариидир. Мазкур фильмлар даврлар оша халқимизнинг миллий меросига айланиб бормоқда. Номлари зикр этилган фильмлардаги хар бир қаҳрамон, хар бир лавҳа барчамиз учун қадрли бўлни билан бирга, жуда ёқимли хотираларни хам ёдга солиши шубҳасиз. Шу боис бу картиналар кайта-кайта томоша килинади. Улардаги ўзига хос ўзбекона юморлар кишига завък бағишлайди, кўнглини кўтариб, хаёт ташвишларини бир зум четга суруб, ундан баҳра олишига ундаиди. Шу ўринда ҳақли савол туғилди: бунинг сабаби нимада? Назаримизда, бу саволга жавобни халқимиз хаёти, аждодлардан колган кадрият ва айнаналар, маданийатимиздан излаш лозим.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъатарбоби, „Felix” халқаро мукофоти соҳиби, таникли ўзбек режиссёри Али Ҳамроев томонидан суратга олинган “Самарқандда қовун таровати” картинасини худди шундай фильмлар сирасига кириши мумкин. Фильмдаги барча воқеалар Самарқанд шаҳрида кўхна маҳаллалардан бирда суратга олинган. Қадим ва ҳамиши навқирон Самарқанднинг юраги Регистон майдони жойлашган ҳудудда бир маҳалла ахлининг кундаклик турмуш тарзи мазкур фильмнинг бош гояси сифатида танланган. Асосий қаҳрамон хаётнинг паст-бландию аччик-чучукларини татиган, элнинг хурмат-эхтиромига сазовор муллум Аскар отадир. Воеалар Аскар отанинг велосипедда бозордан қовун сотиб олиб келаётгани билан бөглиқ лавҳадан бошлади. Аскар ота велосипедда ҳаракатланиб келар экан, Самарқанд қовуни таровати чор атрофдаги сайёхларни мафтун этади. Уларнинг: “Бу қовун бунчалар тароватли”, дэя айтган гапларини хорижликларнинг эътирофи сифатида кабул килиш мумкин.

Фильмда маҳалла миллий кадрият сифатида гавдалантирилган бўлиб, маҳалла раисининг хар бир масалада ҳалқ билан бамаслаҳат фаолият олиб бориши, бу борада ёши улуғларнинг маслаҳат ва насиҳатларига амал килиши тегишли қадрлар орқали кўргатиб берилади. Шунингдек, томоша давомида маҳалладаги чинорлар кесилиб, бу жойга тадбиркорларнинг тўйхона куриш режаси акс этган лавҳалар кишини ўйга толдиради. Фуқароларнинг бунга салбий муносабати ва тадбиркорни тўхтатиши ҳаракат килиши ҳамда бу масала хукумат вакилининг ҳалқ дардига қулоқ тутиши билан ижобий ҳал килингани фуқаролар хукукларининг давлат томонидан кафолатлангани ва таъминланыёттанидан дарак беради. Фильмда халқимизнинг турли маросимлари, аньана ва урф-одатлари акс эттирилган лавҳалар ҳам асарнинг бадий кимматини оширишга хизмат килган. Аскар ота маҳалла болаларидан кимгадир рус тили, кимгадир

тарих ва яна кимгадир бошқа илмларни ўргатишдан чарчамайди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу жараёнда ҳаммага тенг муносабатда бўлади. Унинг даун синдромига ҷалинганд болакайга сабр-бардоша ва гўзал муномала билан сабок бериши фикримизнинг далилидир. Бола унинг меҳри ва симийлигини хис килиб, ўз бобоси билан сұхбатлашгандек сўзлашади.

Картинада иккинчи жаҳон урушида ҳалқ бўлғанларнинг хотиралари хамда уларнинг хизматлари ҳакида алоҳида лавҳалар мавжуд. Аскар ота ҳам иккинчи жаҳон уруши катнашчиси, озодлик йўлида жонини фидо килган отасининг қабрини тикилашга ҳаракат килди ва шу максадда Россияга пул юборади. Фильм сўнгига бу ишнинг удасидан чиқади. Россияга юборилган пуллар айнан отасининг қабрини тикилашга қартилганидан, сарф-харажатларни қоплаш учун йўналтирилганидан бехабар маҳалла ахли бу ишни у Россияяда оиласи ва фарзандлари борлиги ҳақидаги гумонлар билан асослашга ҳаракат килали. Умуман, томошабин фильмни ўзгача завқ, ҳајжон ва кизикиш билан томоша киласи. Ундаги хар бир сюжет халқимизнинг бой маданийати, ўтмиши билан ҳақли равишида фарҳангиши, келажак авлодга уни бор холица саклаб етказишига ундаиди.

Шу ўринда кайд этиш жоизки, мазкур фильмнинг ilk премьerasи Самарқанд шаҳридаги Самарқанд халқаро Технология университетидаги бўлиб ўтди. Фильм режиссёри ва йигилгандар ўртасидаги жонли мулокот мухлисларда катта таасирот кольдирди. Дунёнинг турли давлат-



Театр балҳида ижод

Театр декорацияси санъати, сценография — тасвирий санъатни билан боғлиқ соҳаси хисобланниб, декорация, либослар, ёргулик, саҳна техникияни воситасида спектаклнинг томоша кўринишини яратиш санъатидир. Театр рассомни саҳнада кўрсатидаги ҳар бир кўриниш, кимни ва бошқаралнинг эскизларини яратади, шу эскизлар асосида декорация ва либослар тайёрланади. Одатда, декорацияси санъати театр, драматурия, тасвирий санъат тараккиётини билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Лола Абдуллаева ўзбекистонда ана шу санъат тараккиётига хисса кўшган рассомлардан биридир.

Огайх номидаги давлат мусикияни драма ва комедия театри ривожига муносиб хисса кўшган Лола Абдуллаева Тошкент шаҳрида туғилган. Унорази воеаларни биринчи бадий таълим олиб келган профессионал рассом хисобланади. XX асрнинг 30-йилларида, хатто ёркаклар бадий таълим олиши кийин бўлган бир даврда оила аъзоларининг каршиликларига қарамади, Л. Абдуллаева Республика Рассомлик билим юртига ўқишига киради. У ерда Павел Ганн, Александр Волков, Николай Каражан қаби тажрибали ўқитувчилардан санъат сирлашни ўрганиди. Таникли портретчи рассом Николай Каражан шогирди Лола Абдуллаевани П. Бенков номидаги билим юртининг ягона ва жуда истебодли кизи эди”, деб эслайди. Рассом уни “биринчи қалдирғоч”, яъни ўзбекистонда биринчи энг муваффакиятли аёл рассом сифатида ётироғи этади.

Хозирги кунда Лола Абдуллаеванинг “Ўзбекистон замонавий санъати музейи”да намойиш килинаётган асарлари унинг шогирдлари ва юртдошларимизда катта

таассусот кольдирмокда. Кўргазма запларида намойиш килинаётган кўпигина рангтасвир асарлари катоғи “Онашиби ҳалфа” номли тарихий мавзудаги асарни ҳам намойиш килинмоқда. Асарнинг орқа пла нида Ҳиванинг қадимий меморий ёдгорликларни кизарип ботаётган ўзига нурларни ўзига ҳос тасвириланган. Онашиби Сафарованинг оқ от миниб, гармон чалиб, ашула айтиб турган ҳолати, бошида кизил дўппи-таҳи қайлан, оқ дурра ўрған. Лачакли аёллар унга диккат билан қарашмокда.

Л. Абдуллаева фоалиятини Ол-маотадаги козок драма театрида саҳна безакчи-рассомни сифатида бошлаган. Сўнгра ижодий изланишларни Бишкек шаҳридаги театр бадий комбинатида давом эттириган. 1948 йилдан ўзигарон Огайх номидаги Ҳоразмий вилоят мусикияни драма ва комедия театрида бош рассом бўлиб ишлаган. Бу санъат даргоҳида ярим асрдан ортиг фоалият юртиганди. Узок йиллик ижодий фоалияти давомидаги кўплаб спектаклларга безаклар ишлаган.

Рассом муваффакиятининг сири ҳар бир асар устида ишга киришадан олдин воқеалар акс этган даврнинг маданийати ва санъатини, турмуш тарзини чукур ўрганишга ҳаракат килганида. Замондошларининг таъкидлашича, Л. Абдуллаева тархини, қадимий анъаналарни жуда яхши билган. Ҳар бир ишга ижодий ёндашиб, пъеса мазмунини кайта тафаккуридан ўтказган. Шу асномда кизиқарали миллий деталлар топишга муваффак бўлган. Рассомнинг сермаҳсул ижоди давлатимиз томонидан муносиб тақдирланниб. 1964 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат асарбоби” унвони берилди. Унинг “Сўкир аёл” асари

АЁЛ ҚАЛБИ

Аёл зоти ҳеч қачон Тирнокка зор бўлмасин. Бешигида ҳар замон Чакалоги йигласин.

Эй Худойим, бемахал Аёл қалби чўкмасин. Пасту баланд дунёда Улар кўзёш тўкмасин.

Фарзанд эрур уларнинг Жигарбанди, кувончи. Кўз нурию куввати, Кексайгандан суняни.

Бекам, баҳтли бўлсинглар, Аёл борки, тоабад. Яйраб алла айтсинглар, Улар учун шудир баҳт.

ХАЁТ БЎЛГАНИНГИЗДА
Юрагимдан ғамлар жой олмасиди, Ғам-ташвиш, ситамга жой колмасиди, Бу бошимга таъналар ётмасиди, Онажоним, сиз хаёт бўлсангиз гар.

Сиз каби бўлмади ҳеч кимса дилдош, Тополмадим сиз каби ўзга сирдош, Бу шеърни ёзмас эдим кўзимда ёш, Онажоним, сиз хаёт бўлсангиз гар.

Ўзгалар қалбидан меҳр изладим, Сокин кечаларда колди изларим, Сизга айтмасидим юрак сўзларим, Онажоним, сиз хаёт бўлсангиз гар.

Пешонангда не бор – тақдирнинг кўли, Давом этаверар умрнинг йўли, Ўқимас эдими Тоҳирнинг дили, Онажоним, сиз хаёт бўлсангиз гар.

БИЛДИРИШ

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси таҳририяти куйидаги манзилга кўчиб ўтганини маълум киламиз: 100202, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Богишамол кўчаси, 7 уй. Ижодкорлар ўз кўлэзмаларини +99890 0549446 ракамида очилган телеграм орқали юбаришлари мумкин.

Таҳририят

ларидан университетимизга келиб таълим берувчи профессор-ўқитувчилар фильм хусусидаги фикрлари билан ўртоклашди. Жумладан, Кореяниг СУН халқаро университетлар таромги раиси, Самарқанд халқаро Технология университети хузуридаги коллежи раҳбари (Жанубий Корея) Хванг Сунгдон шундай деди: “Мазкур картина томоша килар эканман, ўзимни ўз имдагидек хис килдим. Сабаби, Жанубий Кореяда ҳам худди ўзбек ҳалқи сингари оила мукаддас қадрият. Тальим-тарбия, маданият, урф-одатларнинг барчаси оиладан бошлаб ўргатилади. Шу нукта назардан мен ўзбек ва корейс ҳалқарининг янга бир муштарак томонларини кашф этдим. Шу пайтгача Самарқандга саккиз маротаба келганман. Аммо фильмни кўриб, ҳали Самарқанднинг мен кўрмаган манзиллари кўп эканини англаб этдим. Фильм ҳали хаётнинг энг гўзал лаҳзаларини тўла ҳис килиб улгурмаганимни эслатди”.

Самарқанд халқаро технология университети биринчи проректори Гиусеппе Сапиенза фильмда ўзбекистон маданийати ва меросининг гўзаллиги, бойлиги намойиш этилиб, унинг ажойиб мъеморчилиги, мазали таомлари ва жўшқин анъаналари ёритиб берилганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди: “Мен италияликман, у ерда “Felix” халқаро мукофоти ҳар қандай фильм ёки режиссёрга бериб юборилмаслигини яхши биламан. Ўзбек фарзандининг шундай мукофотга лойик кўрилиши менга улкан мамнуният багишилайди. Фильм кўплаб хиоялардан иборат жумбок бўлиб, унда ранглар, товушлар, овозлар ва ёқимли ифорлар қаҳрамонлар билан уйғулниши кетганлек тасаввур уйғотади. Ҳозирги кунда ҳар қайси миллатнинг ўзлигини саклаши, аньана ва миллий қадрияларини мухофиза килиши долзарб масалага айланни бормоқда. Шу нукта назардан ўзбек ҳалқи амалга ошираётган ишлар таҳсинга сазовор”.

Намойиш якунидаги режиссёр Али Ҳамроев томошабинлар билан сұхбатга киришиб, суратга олиш жараёни, ундаги мухим лаҳзалар ва кизиқарали ҳолатлар хусусида сўзлаб берди. Хуласа, Самарқанд халқаро Технология университети залида ташкил этилиган премьера “Самарқандда қовун таровати” фильмни илк бор “татиб кўрилди”. Халқимизнинг бетакор маданийати, урф-одати, тарихи гавдалантирилган ушбу фильмни мухлисларига маъқул бўлади, деб ўйлаймиз.

Умедулло МАҲМУДОВ,
Самарқанд халқаро технология университети хузуридаги ўзбек тили ва маданийати маркази раҳбари, филология бўйича фалсафа доктори

Газетхон илҳоми



ТЎЙ БОЛА

Тўй болажон, тўй бола, Гижинглаган той бола. Сўзларимга кулоқ сол, Бир зумгина, хой бола.

Бугун етди чин фурсат, Баҳтили онинг, бўл суннат. Кечиктирмай бутунок, Муҳаммадга бўл уммат.

Шарқираган сой бўлиб, Юргин саҳиб, бой бўлиб. Ошмонимда порлагин Куёш бўлиб, ой бўлиб.

Уста бобо дер “хўйдо”, Момоларинг дер тўйда. Муҳаммадга бир уммат Кўпайди-ё шу уйда.



Тоҳиржон ҚОДИРОВ

Гул кўп, чаман кўп...



Самонинг инъоми

Эко фамилияси Ex Caelis Oblatus сўзининг бош ҳарфларидан олинган бўлиб, “само инъом этган” маъносини беради. Бу исм, италияликлар анъанасига кўра, Умберто Эконинг бобосига – гўдаклигидан ташла кетилган болага берилган эди. Умберто Эконинг отаси Жулио оиласидаги ўн уч боланинг бири бўлган.



QISHLOQQURILISHBANK

ATB “Qishloq qurilish bank” jamoasi
barcha yurtdoshlarimizni

Qurbon hayiti

bilan samimiyl muborakbod etadi!



Quant mobil
ilovamizni
yuklab oling!

🌐 www.qishloqqurilishbank.uz

📞 +998 78 150 00 55, 1254

Disponível na
App Store



Disponível na
Google Play



O'ZBEKISTON
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100202,
Богишамол кўчаси, 7.

Электрон почта манзили:
uzas.gzt@mail.ru

Myassus:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР ЮШМАСИ



Бош
мухаррир
**Хумоюн
АҚБАРОВ**

Таҳтириятга келган қўлгизмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳтирият нуқтаи назаридан фарқланниш мумкин.
Навбатчи муҳаррир Шуҳрат АЗИЗОВ
Сахифалови Ниғора ТОШЕВА
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси хуруридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигига томонидан
0283 ракам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1097 Буюргма Г - 638.
Хажми - 3 босма табок, А-2.
Нашир кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

"Шарқ"
нацирт-матбаба
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси,
41-уй.
Босишига топшириш вакти - 21.00.
Босишига топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-634X

